

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХАММАДИЕВ РАХМОН РАШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ**  
**ЖАРАЁНЛАРДА УСМОН ЮСУПОВНИ ТУТГАН ЎРНИ**  
**(1931-1966 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Мухаммадиев Рахмон Рашидович**

Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда Усмон Юсуповни тутган ўрни (1931-1966 йй.).....3

**Мухаммадиев Рахмон Рашидович**

Место Усмана Юсупова в социально-экономических и политических процессах в Узбекской ССР (1931-1966 гг.).....27

**Mukhammadiev Rakhman Rashidovich**

The role of Usman Yusupov in socio-economic and political processes in the Uzbek SSR (1931-1966).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХАММАДИЕВ РАХМОН РАШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ**  
**ЖАРАЁНЛАРДА УСМОН ЮСУПОВНИ ТУТГАН ЎРНИ**  
**(1931-1966 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022**



## Кириш (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро алоқалар соҳасидаги туб ўзгаришлар ва мавжуд глобал муаммоларни ҳал қилиш зарурати, трансформацион жараёнлар даврида давлат ва жамият бошқарувини тўғри ташкил қила оладиган, янгиликларга интиланган ва тез мослашувчан, зиддиятли вазиятларни бартараф қилиш ва жамият барқарорлигини таъминлаш, унинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўша оладиган, янгича қарашларга эга кучли сиёсий раҳбарларни шакллантиришни талаб қилмоқда. Сиёсий етакчилик (лидерлик) жамият тараққиёти билан боғлиқ асосий муаммолардан биридир. Сиёсий лидерлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар миллионлаб одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатиб муайян жамият ҳаётини у ёки бу томонга ўзгартириб юбориши мумкин. Шунинг учун сиёсий раҳбар шахси ва малакали бошқарув кадрларнинг шаклланиши ҳар қандай жамиятда демократик ўзгаришларнинг энг муҳим омили ва қолаверса аҳолини ижтимоий сафарбар қилишнинг самарали воситаси саналган.

Дунёнинг кўплаб етакчи олий ўқув юртли ва илмий тадқиқот марказларида турли миллат ва давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган тарихий шахслар, сиёсий лидерлар, улар фаолиятининг жамият ривожига аҳамияти масаласи кенг тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, МДХ республикаларида ҳам совет ҳокимияти йилларида раҳбарлик қилган маҳаллий раҳбар кадрлар фаолияти холисона ўрганилмоқда. Бироқ Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти даврида раҳбарлик лавозимида ишлаган ва ватанимиз ривожига катта ҳисса қўшган Акмал Икрамов, Усмон Юсупов, Нуриддин Муҳитдинов, Амин Ниёзов, Собир Камолов каби лидер шахслар ҳаёти ва фаолияти етарлича ўрганилмаган. Ўз ечимини кўтаётган бундай масалалар тарихни янгича ёндашувлар асосида холис тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ватанимиз тарихини ҳар қандай мафкура таъсирисиз тўғри ва холисона ўрганиш имконияти пайдо бўлган бугунги кунда халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган давлат ва жамоат арбобларининг фаолиятларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Ватан учун, халқ учун бутун борлигини бахш этган, ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилган улуғ зотларга юксак эҳтиром кўрсатиш бизнинг мамлакатимизда доимо биринчи ўринда туриши, керак бўлса, ҳаётимиз қондасига айланиши зарур. Шундагина биз ўз кадр-қимматини чуқур англаган, бошқалар ҳам ҳурмат қиладиган халқ ва миллат сифатида ўзлигимизни намоён қила оламиз...”<sup>1</sup>. Шу боисдан юрт тинчлиги, миллат ва давлат тараққиёти учун хизмат қилган давлат ва жамоат арбобларининг ҳаёт йўллари, сиёсий фаолиятларини давр нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 308.

тўғри ва холисона тадқиқ қилиш танланган мавзунинг долзарблигига асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сонли Фармойиши, Янгийўл шаҳар “Усмон Юсупов мемориал уй-музейи”ни мукаммал таъмирлаш бўйича 2018-2027 йилларда давлат музейлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли дастурига киритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”даги қарори ва тадқиқот мавзуси доирасида қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Усмон Юсуповнинг 1931-1954 йилларга доир раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ бугунги кунгача кўплаб тарихчи, файласуф, иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар қилинган ҳамда монография, рисола, мақола, очерк ва хотиралар чоп этилган. Лекин бу адабиётларнинг анчагина қисми ўз аҳамиятини йўқотган ва қолаверса, мавзуга мафкуравий жиҳатдан бир томонлама ёндошилган. Тарихшунослик нуқтаи назаридан мавзуга оид адабиётларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳ адабиётларига 1931-1991 йиллар тарихини қамраб олган совет тузуми даврида яратилган ишлар кириб, уларни икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқич адабиётларига Усмон Юсупов сиёсий фаолияти бошланган 1930 йиллар боши, инсоният бошига мислсиз кулфат келтирган Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва унда ўзбек халқининг иштироки, иттифоқ раҳбари И.В.Сталиннинг вафотидан сўнг бошланган ошкоралик сиёсати, яъни 1960 йиллар охирига қадар бўлган даврни ўзида акс эттирган илмий ишларни киритиш мумкин. Бунда Усмон Юсуповнинг раҳбарлик даври ёритилган Э.Абдурахманов, А.В.Алимбек, С.Турдиев, Ж.Қалимбетов, Ҳ.Иноятов, М.Мусаев Н.Обломуратов, Б.А.Десятчиков, Х.Ибрагимовнинг китоблари ва тадқиқотларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим<sup>2</sup>. Ушбу даврга оид адабиётларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-

<sup>2</sup> Абдурахманов Э. Деятельность партийных организаций по развитию промышленности Средней Азии в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1983. – 248 с.; Алимбек А.В. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг ривожланиши. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока ва Ўзбекистони Сурх бирлашган нашриёти, 1957. – 54 б.; Турдиев С. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. – Тошкент: Фан,

иктисодий ҳаёти, сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, Усмон Юсуповнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ташкилотчилик ва бошқарув маҳорати коммунистик мафкура ғоялари остида, бир томонлама шахсга сиғиниш, уни улуғлаш, тузум ютуқларини кўкларга кўтариб макташ руҳида баён қилинган.

Биринчи гуруҳнинг иккинчи босқич адабиётларига Усмон Юсуповнинг вафотидан сўнг унинг шахсига, раҳбар сифатидаги фаолиятига баъзан холис, баъзан эса танқидий руҳда баҳо берилган мақолалар, очерклар, рисоалар, хотира китоблари киради (1970 йиллардан токи 1991 йилгача бўлган даврда ёзилган). Жумладан, рус публицистлари Б.Ресков ва Г.Седовнинг Усмон Юсупов таржимаи ҳоли, сиёсий фаолияти, раҳбарлик йилларидаги ютуқ ва камчиликларига бағишланган китоби, К.Икрамов, С.Григорьев, Р.Поспелов, М.Искандеров, Ф.Исхаков, Н.Мухитдинов, Э.Юсупов, Ш.Зиямовларнинг мақола ва тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим<sup>3</sup>. Уларда Усмон Юсупов раҳбарлик қилган йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-иктисодий ҳолат, сиёсий жабҳалардаги амалга оширилган ишларда партиянинг роли, катағон даври каби масалалар танқидий ва танқидчиларга қарши холис руҳдаги таҳлиллардан иборат.

Иккинчи гуруҳдаги тадқиқотларга мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг катағонлик, Иккинчи жаҳон уруши ва қайта қуриш даври, совет ҳокимиятининг миллий кадрлар сиёсати каби муаммолар тарихини ўрганишга бағишланган, янгича қарашлар ва янгича талқин асосида яратилган илмий ишларни киритиш мумкин. Бу борада З.Ишанходжаева, М. Ҳайдаров, О.Рашидов, Д.Иймановаларнинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга молик<sup>4</sup>. Шунингдек Қ.Ражабов<sup>5</sup>, Б.Пасилов<sup>6</sup> томонидан Усмон

---

1987. – 72 б.; Калымбетов Ж. Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за развитие промышленности и транспорта в годы Велекой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1966. – 164 с.; Калымбетов Ж., Багдасаров В.Ш. Улуғ Ватан урушида ўзбек халқининг меҳнат зафарлари. – Тошкент: Ўзбекистон КП МҚ нашриёти, 1965. №12. – 47 б.; Иноятов. Ҳ. Ғалабага қўшилган ҳисса. – Тошкент: Фан, 1975. – 228 б.; Мусаев М. Совет Ўзбекистони яшнамоқда. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон ва Правда Востока бирлашган нашриёти, 1955. – 52 б.; Ўзбекистон ССР (Қисқача тарихий-иктисодий очерк). – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1960. – 284 б.; Обломуродов Н. Ўзбекистоннинг фашистлар оккупациясидан зарар кўрган районларга ёрдами. – Тошкент: Фан, 1985. – 52 б.; Десятчиков Б.А. Совет Ўзбекистонини электрлаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1957. – 192 б.; Десятчиков Б.А., Бедринцев К.Н. Ўзбекистон саноати 40 йил ичида. – Тошкент: Фан, 1957. – 96 б.; Ибрагимов Х. Социально-экономическая жизнь Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. (1941-1945 гг.): Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Андижан, 1993. – 56 с.  
<sup>3</sup> Ресков Б., Седов Г. Усмон Юсупов. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 257 б.; Икрамов К. Дело моего отца // Московский новости. – Москва, 1988. №12.; С болью и гордостью // Известия. – Москва, 1988. №139; Григорьев С. Храбрыцы // Крокодил. – Москва, 1988. - №21. – С. 11.; Поспелов Р. По старым часам // Литературная газета. – Москва, 1988. №22. – С. 8; Искандеров М., Исхаков Ф. С позиции исторической правды об отдельных событиях и личностях // Правда Востока. – Ташкент, 1988. №274.; Мухитдинов Н. Мангу сабоқ // Ёшлик журнали. - Тошкент, 1987. №6. – Б 4-5.; Юсупов Э., Зиёмов Ш. Аср билан ёнма-ён. – Тошкент: Ёш гвардия, 1983. – 168 б.; Юсупов Э., Вешневский Я., Гадовое Х. Одной дорогой – к еденоей цели. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – 309 с.; Юсупов Э., Зиямов Ш. Верный ленинец, талантливый организатор // Обществене наука в Узбекистане. – Ташкент, 1980. №5. – С. 27-29.

<sup>4</sup> Ишанходжаева З. Репрессивная политика советской власти и её воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925-1950 гг): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 57 б.; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941 йй.): Тар. фан. докт. дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – 69 б.; Рашидов О. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши (1918-1933 йй.): Тарих фанлари бўйича фалс. докт. (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.; Ийманова Д. Ўзбекистонда совет тузумининг

Юсупов ва Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб совет даври сиёсий раҳбар шахслари ҳақида қилинган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу тарихчи олимлар томонидан ёзилган мақола ва китобларда Усмон Юсуповнинг ҳаёти, 1930 - йилларда Ўзбекистонда содир бўлган ўзгаришлар, Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқининг матонатли меҳнати ва унда Усмон Юсуповнинг ташкилотчилик маҳорати, урушдан кейинги йилларда Усмон Юсуповнинг сиёсий фаолияти, у томонидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалга оширилган ишлар ёритилган.

Н.Каримов, Б.Ҳасанов, Н.Муҳитдинов, А.Абдураззоқов, Р.Шамсутдиновнинг мақола ва китоблари<sup>7</sup> ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу китобларда биринчи бор, совет ҳокимиятининг сиёсий раҳбар кадрлар сиёсати, Усмон Юсуповнинг раҳбарлик фаолияти, қатағон даврига оид ноҳолисликлар, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқининг иштироки, урушдан кейинги йилларда республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи каби масалалар ёритилган.

Ўзбекистон тарихини кейинги йилларда ёзилган кўп жилдлик китобларида<sup>8</sup> ҳам 1930 йиллар охиридаги Усмон Юсупов сиёсий фаолиятининг ўрни ва аҳамияти, ҳамда уруш йилларидаги амалга оширилган ишларига кўпроқ урғу берилган.

Учинчи гуруҳдаги адабиётлар сифатида хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва мақолаларини кўрсатиш мумкин. Хорижий илмий изланишларда жамланган ўрганилаётган тадқиқот мавзусига оид материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида мазкур ишларда сиёсий лидер феномени, совет ҳокимиятининг миллий кадрлар сиёсати каби

---

кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари (1945-1991 йиллар): Тар. фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2011. – 33 б.

<sup>5</sup> Ражабов Қ. Усмон Юсупов – Ўзбек халқи ардоғидаги буюк сиймо // “Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар” халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. – Чирчиқ, 21-24 май, 2019 йил. – 501.; Ражабов Қ. Таниқли арбоб // Muhofaza+. – Тошкент, 2019. №2 (170); Ражабов Қ. Нурутдин Муҳитдинов. – Тошкент: Ilm-ziyo-zakovat, 2019. – 40 б.; Ўзбекистон ССР раҳбариятининг ижтимоий ва сиёсий фаолияти (1945-1983 йиллар). Масъул муҳаррир: Қ. Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2020. – 248 б.

<sup>6</sup> Пасилов Б. Усмон Юсупов. – Тошкент: Ilm-ziyo-zakovat, 2019. – 35 б.; Пасилов Б., Пасилова Г. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Усмон Юсупов // Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар. Илмий мақолалар тўплами – Тошкент: “TAMADDUN”, 2020. – 300 б.; Пасилов Б. Деятельность Усмана Юсупова в 1941-1941 годы // Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. Сборник материалов Международной научной конференции посвящённой 75-летию Великой Победы. – Оренбург-Ташкент, 2019. – С. 149-153.; Пасилов Б., Пасилова Г. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон раҳбариятининг ташкилотчилик роли // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2020. №1-2 (6-7). – Б. 55-64.

<sup>7</sup> Каримов Н. 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин”нинг фожеали оқибатлари. – Тошкент, 2015. – 161 б.; “Катта қирғин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари. – Тошкент: Фан, 2013. – 126 б.; Ҳасанов Б. “Катта қирғин”нинг ҳуқуқий ҳужжатлар базаси. – Тошкент, 2014. – 53 б.; Муҳитдинов Н. Усмон Юсупов // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №1. – Б. 147-172; Абдураззоқов А. Абдий барҳаёт сиймолар. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2019. – 146 б.; Шамсутдинов Р. Ўзбек халқининг матонатли фарзанди // Халқ сўзи. – Тошкент, 2020. №233.

<sup>8</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М. Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқалар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Биринчи китоб. Ўзбекистон 1939 - 1991 йилларда // Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Рахимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2019. – 560 б.; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Иккинчи китоб. Ўзбекистон 1939 - 1991 йилларда // Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Рахимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2019. – 576 б.

масалаларга кўпроқ эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, Жан Блондель, Г.Глеасон, Дональд Карлайсле, Жеймс МакГрегор Бёрнс, А.Вильсон каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида давлат ва жамият бошқарувида сиёсий лидерларнинг феномениал аҳамияти, Усмон Юсуповнинг сиёсий майдонга кириб келишидаги вазиятлар, советларнинг миллий республикалардаги ўзига хос кадрлар иерархиясига таълуқли масалалар таҳлиллари ўрин олган<sup>9</sup>.

МДХ мамлакатларида Д.Дудкина, Н.Горбачева, Д.Калетаев, Б.Лисин, А.Федоров, В.Золотов, Ф.Раззаковларнинг илмий ишларида бевосита Усмон Юсупов фаолияти ҳақида маълумотлар берилмаса-да, аммо у Ўзбекистон ССР ҳукуматида раҳбарлик қилган йиллардаги ижтимоий-сиёсий воқеалар тафсилотлари, совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсати, маҳаллий раҳбар кадрлар ва партиянинг Марказдаги юқори мартабали раҳбарлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар таҳлилларига кенг ўрин берилган<sup>10</sup>.

Илмий муаммога оид мавжуд тадқиқотлар таҳлилига кўра “Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда Усмон Юсуповни тутган ўрни” мавзуси махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот режаларига мувофиқ, ҳамда ОТ-Ф1-109 “Ўзбекистонда ерсув муносабатлари тарихи (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади.** 1931-1966 йилларда Ўзбекистон ССРнинг партия ва хўжалик соҳаларида сиёсий раҳбарлик лавозимида фаолият юритган Усмон Юсуповнинг республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда тутган ўрнини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лидер шахс феномени, унинг давлат, жамият бошқарувидаги тутган ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш;

совет ҳокимиятининг миллий республикалардаги бошқарув кадрларни тайёрлаш сиёсати ва ундан кўзланган мақсадларни аниқлаш;

совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсати ва унинг Усмон Юсупов

---

<sup>9</sup> Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к всеобъемлющему анализу. – Москва: Российская академия управления, 1992. – 135 с.; Gregory Gleason (1986) Sharaf Rashidov and the dilemmas of national leadership, Central Asian Survey, 5:3-4, 133-160.; Donald S. Carlisle (1986) The Uzbek power elite: Politburo and secretariat (1938–83), Central Asian Survey, 5:3-4, 91-132.; James MacGregor Burns. Leadership. – New York etc.: Harper & Row, Corp. 1978. - IX, 530 P.; Вильсон А. Биография как история. – Москва: Наука, 1970. – 16 с.

<sup>10</sup> Дудкина Д. Советская кадровая политика и местный государственный аппарат (1917-1991 гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самара, 2002. – 24 с.; Горбачева Н.С. Методология исследования политического лидерства // Философия права. – Москва, 2015. №5, – С. 19.; Калетаев Д. Феномен национального лидера: история и современность // – Москва: Центр Азии, 2009. № 10. – С. 8-10.; Лисин б.К. Социологические очерки кадровой политики КПСС / В. 3 ч. Ч. 1. – Москва: Изд. Палеотип, 2009. – 100 с.; Федоров А.В. Кадровая политика СССР в завершающем этапе индустриальной модернизации (конец 1950-1980-е гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Москва, 2005. – 22 с.; Золотов В.А. Политическая элита СССР: социальный состав, образовательный и культурный уровень (1953-1991 гг.): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Москва, 2006. – 34 с.; Раззаков Ф. Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека». – Москва: Эксмо, 2009. – 512 с.;

фаолиятига кўрсатган таъсирини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда урушдан олдинги ижтимоий-иқтисодий вазият, республикани пахта етиштириш орқали хомашё базасига айлантириш бўйича берилган тошириклар ва унда Усмон Юсуповнинг ролини очиб бериш;

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқ хўжалигидаги қийинчиликларни бартараф қилишда Усмон Юсуповнинг ташкилотчилик фаолиятини ёритиб бериш;

Ўзбекистон ва собиқ марказ муносабатларида Усмон Юсуповнинг раҳбар сифатидаги ўрни, халқ манфаатлари борасида амалга оширган ишларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объектини** 1937-1950 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби ва 1950-1953 йилларда СССР Пахтачилик министри бўлган Усмон Юсупов фаолият кўрсатган давр ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** 1931-1966 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда Усмон Юсуповнинг сиёсий раҳбар сифатидаги роли таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий-хронологик, тизимлаштириш, ҳолислик тамойили, объективлик ҳамда қиёсий таҳлил каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

совет бошқарув сиёсати 1950-йилларгача Ўрта Осиёдаги барча иттифоқдош миллий республикалар раҳбарлигига русийзабон кишиларни тайинлаб келганлиги, фақат Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар инобатга олинган ҳолда, иттифоқ парчаланиб кетгунга қадар партиянинг биринчи котиблари маҳаллий миллат вакиллари бўлиб келганлиги аниқланган;

1937-1939 йиллардаги “Катта қирғин” сиёсати ўзбек халқининг атоқли намоёндаларини қатағон қилаётганда Усмон Юсупов аксарият миллий республикалар раҳбарлари каби вазиятни жим туриб кузатишга мажбур бўлган бўлса-да, баъзан ваколати доирасидан четга чиқиб, ўнлаб ўзбек зиёлиларини қатағондан олиб қолишга эришганлиги исботланган;

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикадаги оғир шароитда Усмон Юсуповни раҳбар сифатида фронт майдонларидан завод-фабрикалар билан биргаликда эвакуация қилинган аҳолини озик-овқат билан таъминлаш, халқни, армияни очарчилик балосидан сақлаш учун донли экинлар майдонини пахта далалари ҳисобидан кенгайтириш, боғ қатор ораларига буғдой экишда шахсий ташаббус билан чиққанлиги аниқланган;

Республикага Усмон Юсупов раҳбарлик қилган 1937-1950 йилларда нафақат қишлоқ хўжалигига асосланган хом ашё етиштирилиши, шунингдек саноатнинг бир қатор тармоқлари ривожланиши ортидан Чирчиқ, Ангрэн, Олмалик, Бекобод, Янгийўл каби аҳоли гавжум саноат шаҳарлари вужудга келиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи аграр

давлатдан аграр-индустриал республикага айланганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари, тарихий асарларни таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон тарихининг энг зиддиятли ва мураккаб даври бўлган совет ҳокимиятининг катагон сиёсати ва унинг Усмон Юсупов фаолиятига таъсири, Иккинчи жаҳон уруши йилларида унинг раҳбар сифатидаги роли, тарихда етакчи шахсларнинг ўрни каби ижтимоий-сиёсий баҳсли бўлган масалаларига аниқлик киритилган;

диссертация материалларидан магистратура талабалари учун “Ўзбекистан в период колониализма и советского тоталитаризма” ўқув қўлланмасини тайёрлашда ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети магистратура босқичи талабаларига ўқитилаётган “Ўзбекистоннинг XIX аср иккинчи ярми-XX аср даври тарихи долзарб масалалари” фанининг ўқув материалларини янги маълумотлар билан тўлдиришда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, илмий истеъмолга киритилмаган архив манбалари, даврий матбуот материаллари, статистик тўпламлар ва адабиётлардан олинган маълумотлардан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўпланган маълумотлар, хулоса, таклиф ва тавсиялардан лидер шахс сифатида Усмон Юсуповнинг раҳбарлик фаолияти, Ўзбекистоннинг 1940-1950 йиллар совет бошқаруви давридаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихига оид маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Усмон Юсуповнинг раҳбарлик фаолияти даврига оид илмий тадқиқотлар яратишда, диссертация ишида келтирилган маълумот ва илмий хулосалардан “Усмон Юсупов мемориал уй-музеи” фондини бойитишга, олий таълим муассасаларида дарслик, методик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1931-1966 йилларда Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда Усмон Юсуповни тутган ўрнига оид илмий хулоса ва амалий таклифлардан:

Иккинчи жаҳон уруши арафасида халқ хўжалигида амалга оширилган улкан ишлар, Катта Фарғона каналининг бунёд этилиши, уруш йилларида меҳнаткаш ўзбек халқининг Усмон Юсупов бошчилигида ғалабали меҳнати, фронтдан кўчириб келтирилган турли миллатга мансуб аҳолига инсонпарварлик ёрдами, урушдан сўнг халқ хўжалигини қайта тиклаш йўлида қийинчиликлар бўйича олинган илмий натижалардан Ўзбекистон

миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзусидаги “Taqdimot” кўрсатувининг сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 12 октябрдаги 02-40-952 – сон маълумотномаси). Мазкур кўрсатув орқали жамоатчилик Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда кечган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда Усмон Юсупов алоҳида ўрин тутганлиги ҳақида батафсил маълумотга эга бўлган;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби лавозимига тайинланган Усмон Юсуповнинг раҳбарлик фаолияти 1937 йилда қатағонлик сиёсатининг янги тўлқини бошланган даврга тўғри келганлиги, совет ҳокимияти томонидан ўтказилган қатағонлик сиёсатида Усмон Юсуповнинг бошқа миллий республика раҳбарлари каби “Учлик” аъзоси сифатида ўзбек халқининг қатағонга учраган фарзандлари устидан уйдирма айбловлар билан йиғилган хужжатларга имзо қўйишга мажбур бўлганлиги, партиянинг Марказдаги олий раҳбарларига қатағон жараёнларини НКВДнинг ҳудудий бўлимларида ўзаро мусобақага айланиб кетганлигини айтгани сингари маълумотлардан музей фондини янги материаллар билан бойитиш, уларни каталоглаштириш, тизимлаштиришда фойдаланилган. (ЎЗР ВМ ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2021 йил 6 апрелдаги №82/1 – сон маълумотномаси) Ушбу маълумотлар музей экспозицияси тематик режасини ишлаб чиқиш, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар хусусида янгича тарихий тафаккурни шакллантиришга хизмат қилиб, XX асрнинг 30-йиллардаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш, “Катта қирғин” оқибатларини тарихий манбалар асосида янада кенгроқ ёритиш имконини беради.

Совет ҳокимияти томонидан Ўрта Осиёдаги миллий республикалар раҳбарлигига Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давргача русийзабон кишилар келинганлиги, фақат Ўзбекистонда раҳбарларнинг ва халқнинг фронт ортидаги меҳнатлари инобатга олинган ҳолда домий равишда партиянинг биринчи котиблари маҳаллий миллат вакиллари бўлиб келганлиги Усмон Юсуповни раҳбар сифатида фронтдан завод-фабрикалар билан биргаликда эвакуация қилинган аҳолини озик-овқат билан таъминлаш, халқни, армияни очарчилик балосидан сақлаш учун донли экинлар майдонини пахта далалари ҳисобидан кенгайтириш, боғ қатор ораларига буғдой экишда шахсий ташаббус билан чиққанлиги, шунингдек уруш йиллари ва урушдан кейин саноатнинг бир қатор тармоқлари ривожланиши ортидан Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл каби аҳоли гавжум саноат шаҳарлари вужудга келиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи аграр давлатдан аграр-индустриал республикага айланган каби маълумотлардан “Шон-шараф” давлат музейи бўлимларини бойитишда фойдаланилган. (ЎЗР МВ ҳузуридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг 2022 йил 23 майдаги №337 – сон маълумотномаси) Бу маълумотлар музей экспозицияларини янада тўлдириш, ташриф

буюрувчиларга Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, Усмон Юсупов бошчилигида фронт ортида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, эвакуация қилиб келтирилган турли миллат вакилларига кўрсатилган юксак инсонпарварлик наъмуналари ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлишлари учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари халқаро миқёсдаги 2 та ва республика илмий-амалий анжуманларида 4 та маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, республика журналларида 5 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 132 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Совет ҳокимиятининг маҳаллий раҳбар кадрлар тайёрлаш сиёсати**” деб номланиб, унда лидер етакчи шахс феномени масаласи, давлат бошқарувида сиёсий шахсларнинг роли, советларнинг маҳаллий республикаларда бошқарув кадрларни тайёрлаш ва уларни коммунистик мафкура манфаатлари йўлида хизмат қилдириши, Усмон Юсуповни сиёсий фаолиятининг бошланиши каби масалалар ёритилган.

Лидер-етакчи шахслар ҳақидаги дастлабки фикр ва қарашларни тизимли равишда ўрганиш қадимги Юнонистон ва Римда шаклланган ва кўпинча диний қарашлар, мифология билан қоришиб кетган. Мисол учун антик даврда етакчи, қаҳрамон - муқаддас раҳнамо ҳисобланиб, у одамларни шунчаки бошқарган, ҳаттоки одамлар унга сиғинишган. Унинг етакчилигини исботлаш ва далил келтириш шарт бўлмаган. Қадимги даврда етакчиларнинг таъсири шунчалик катта бўлганки, вақт ўтиши билан таниқли қаҳрамонлар халқ орасида ибодат объектига айланиб, қилган ҳар бир иши маълум бир қийматга эга бўлган<sup>11</sup>. Кейинчалик лидер шахслар, хусусан подшо ва

<sup>11</sup> Горбачева Н.С. Методология исследования политического лидерства // Философия права. – Москва, 2015. №5, – С. 19.

ҳукмдорлар ҳақидаги ғоя ва фикрлар қадимги шарқда янада ривожланди. Бу бевосита шарқда ташкил топган катта империялар ва қолаверса уларда шаклланган давлатчилик бошқаруви аъаналари билан боғлиқ эди.

Салжуқий турк ҳукмдорлари саройида вазир лавозимида ишлаган Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк томонидан 1091 йилда ёзилган “Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”) асарида ҳам подшо ва ҳукмдорларнинг қандай ҳислат ва фазилатларга эга бўлиш кераклиги ҳақида ўз даври учун хос бўлган фикрлар баён қилинган. Муаллиф ўз қарашларида, бирор бир халққа бошлиқ бўлган одам шу халқ учун жавобгар бўлиши, у томонидан чиқарилган ҳукм ва фармонлар халқнинг фаровонлиги ёки ночорлигига сабаб бўлувчи оқибатларга олиб келишини бир қанча мисолларда исботлаб берган<sup>12</sup>.

Шахслар биографияси бўйича мутухассис канадалик олим А.Вильсоннинг таъбири билан айтганда, алоҳида шахслар фаолиятини ўрганиш тарихий воқеалар ривожини ва даврий ўзгаришларни аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради<sup>13</sup>.

Америкалик сиёсий тарихчи Жеймс Макгрегор Бёрнс лидерларни ҳокимиятга келиш йўлларига қараб турларга ажратган. У лидерларнинг икки турини - “ишбилармон” (transactional) ва “мослашувчан” (transforming) алоҳида ажратиб кўрсатади. “Ишбилармон” раҳбар ҳокимиятга интилувчан бўлиб, унинг сайлов олди дастуридан ўрин олган барча режалари фақатгина бойликка чанқоқлик, шон-шараф, обрў қозониш йўлида сайловчилар овозини олишдан иборат бўлади. “Мослашувчан” раҳбарнинг асосий мақсади эса, биринчи навбатда одамлар ҳаётини яхшилаш учун кенг кўламли ўзгаришларга қаратилган бўлади<sup>14</sup>. Бёрнс ҳар қандай раҳбарни биринчи навбатда шахс деб қарайди ва унинг шаклланиш жараёнига, яъни тарбияси, таълими, оилавий муносабатлар каби жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Раҳбар ҳаётининг бурилиш нуқталари, унинг сиёсатчи сифатидаги характери ва ўз мақсади йўлидаги интилишлари шаклланишига таъсир кўрсатган воқеалар, ҳақиқий тарихий шароитлар кўпинча орқа фонда қолиб кетади.

1971 йил Б.Д.Паригин ўзининг “Ижтимоий-психологик назария асослари”<sup>15</sup> асарида совет фани учун расман тасдиқланган сиёсий лидер ва раҳбарнинг асосий ажралиб турадиган хусусиятларини асослаб берди. Совет ҳокимияти даврида Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва бошқа жабҳаларда фаолият кўрсатган халқимиз вакиллари, уларнинг шахси, давлат ва жамият тараққиёти учун хизмат қилган давлат арбобларидан бири Усмон Юсуповдир.

Усмон Юсупов меҳнат фаолиятини 1916 йил Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шахри)даги пахта тозалаш заводида ишчиликдан бошлаган. Тошкент бинокорлар уюшмаси раиси, касаба уюшмалари Тошкент округи кенгаши

<sup>12</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 124.

<sup>13</sup> Вильсон А. Биография как история. – Москва: Наука, 1970. – С. 1.

<sup>14</sup> James MacGregor Burns. Leadership. – New York etc.: Harper & Row, Cop. 1978. - IX, 530 P.

<sup>15</sup> Парыгин Б. Д. Основы социально-психологической теории. – Москва: Мысль, 1971. – С 351.

раиси (1926-1928). Ўзбекистон Компартияси МК қотиби (1928-1931), ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси раиси (1931-1934). Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари (1936-1937), Ўзбекистон Компартияси МК 1-қотиби (1937-1950). СССР Пахтачилик министри (1950-1953), Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси (1953-1954), Мирзачўлдаги “Боёвут-4” ва “Боёвут-2” савхозлари ва Янгийўл туманидаги “Халқобод” аграр-саноат бирлашмаси директори (1955-1966) бўлиб ишлаган<sup>16</sup>.

1926 йилда Усмон Юсупов коммунистик партия сафига кириди ва ўзининг ташкилотчилик қобилияти туфайли тезда раҳбарлик лавозимига кўтарилди. 1926 йилда Тошкент қасаба уюшмалари округ кўмитасининг раиси, кейинчалик эса Тошкент округ партия кўмитаси қотиби қилиб сайланади<sup>17</sup>.

Усмон Юсуповни ташкилотчилик қобилияти, ишчи ва деҳқонларни социализм қуриш йўлида уюштири олиш маҳоратидан ўз мақсадлари йўлида самарали фойдаланиш учун Компартиянинг Марказдаги раҳбарлари ташаббуси билан 1931 йилда уни Бутуниттифоқ Қасаба уюшмалари иттифоқи Марказий Кўмитаси (ВЦСПС)нинг Ўрта Осиё бюроси раиси лавозимига тайинлашади. Бу лавозим Усмон Юсуповга бутун Ўрта Осиё республикалари – Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон меҳнаткашлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини тақдим этди. Сабоби ушбу ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси катта ваколатларга эга эди. 1933 йил 23 июнда Марказий ижро кўмитаси, СССР Халқ комиссарлари совети ва Бутуниттифоқ Қасаба уюшмалари иттифоқи Марказий Кўмитасининг қарори билан СССР Меҳнат халқ комиссарлиги ва ВЦСПС бирлаштирилади<sup>18</sup>. Натижада Бутуниттифоқ Қасаба уюшмалари иттифоқи Марказий Кўмитаси амалда давлат ҳокимияти органларидан бирига айланиб, ижтимоий-меҳнат соҳалари устидан тўлиқ назорат қилиш механизмига эга бўлади.

Усмон Юсупов ВЦСПСнинг Ўрта Осиё бюроси раҳбари сифатида минтақа республикалари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. 1931 йилнинг 17 декабрда Бутун СССР қасаба союзлари Марказий Кўмитасининг Ўрта Осиё бюроси раиси этиб сайланган Усмон Юсупов биринчи навбатда олий таълим муассасаларининг илмий-техник ишлаб чиқариш ишлари ҳолатини яхшилаш, талабаларга моддий-маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби бир қатор масалаларга эътибор қаратган<sup>19</sup>. Усмон Юсупов Ташсельмаш, Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ ГЭСининг каскади ва саноат объектларининг қурилишларида бўлиб, ушбу қурилишларнинг қасаба ташкилотлари ва раҳбарларига, шунингдек унда меҳнат қилаётган ишчи ва қурувчиларнинг яшаш ва ишлаш

<sup>16</sup> Ўз МА, Р-2454-жамғарма, 1-рўйхат, 46-йиғма жилд, 165-варақ.

<sup>17</sup> Юсупов Э., Зиёмов Ш. Аср билан ёнма-ён. – Тошкент: Ёш гвардия, 1983. – Б. 49.

<sup>18</sup> История профсоюзов России: этапы, события, люди. – Москва: Академия труда и социальных отношений, 1999. – С. 69.

<sup>19</sup> Ўз МА, 736-жамғарма, 1-рўйхат, 1272-йиғма жилд, 51-варақ.

шароитларини яхшилашга бевосита ёрдам кўрсатган<sup>20</sup>.

1934 йил 3 ноябрда ВЦСПСнинг Ўрта Осиё бюроси тугатилади ва Усмон Юсупов Москвадаги партиянинг сиёсий раҳбар-ходимларни коммунистик мафкура ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ихтисослашган Марксизм-Ленинизм олий курсида ўқиш учун юборилади<sup>21</sup>. 1936 йилда Марксизм-Ленинизм олий курсини тамомлаб Тошкентга қайтган Усмон Юсупов Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Қўмитаси сафига ишга олинмайди. Натижада ишга ўша вақтда СССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари бўлган Анастас Микоян аралашади. Унинг тавсиясига кўра, 1936 йил декабр ойида Усмон Юсупов Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари этиб тайинланади<sup>22</sup>.

1937 йилдан 1950 йил охирига қадар яъни 20 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида республиканинг энг юқори партия ҳокимиятини фақат икки ҳудуд - Тошкент ва Фарғона вакиллари бошқарган. 1938-1950 ва 1950-1955 йилларда Фарғона вакили Усмон Юсупов ва Амин Ниёзов бўлса, 1955-1957 ва 1957-1959 йилларда Тошкент вакиллари Нуриддин Муҳитдинов ва Собир Камоловлардир<sup>23</sup>. 1937 йил 26-27 сентябр кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг IV пленуми бўлиб, унда бир қатор ташкилий масалалар кўрилади. Жумладан, шу вақтга қадар Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби лавозимида ишлаб келган Акмал Икрамов вазифасидан озод қилиниб, унинг ўрнига Усмон Юсупов биринчи котиб, Павел Яковлев иккинчи котиб ва Иброҳим Худойқулов қўмита котиби этиб тайинланган. Шунингдек, пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюросининг 7 нафардан иборат янги таркиби ҳам тасдиқланган<sup>24</sup>.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг икки машҳур раислари, Бухоро вакили Файзулла Хўжаев (1925-1937) ва Тошкент вакили Султон Сегизбоев (1937-1938) ҳам қатағон қилинган эди. Аммо, Фарғона вакили республика Марказий ижроия қўмитаси раиси бўлган Йўлдош Охунбобоев 1943 йилгача, яъни вафотига қадар ўз лавозимини сақлаб қолган. Ўзбекистон партия сафларидаги тозалашлар, раҳбарлар алмашинуви дастлабки эмас эди. Биринчи марта 1930 йилларда Ўзбекистон коммунистик партияси сафларида тозалаш ишлари ўтказилиб, партиявий кадрлар сони номзодларни ҳам кўшиб ҳисоблаганда 40 минг кишига камайиб кетган. 1937 йилда партия сафларидаги яна мингга яқин кадрлар “кўрик”дан ўтказилади. 1938 йилдан бошлаб Ўзбекистон коммунистик партияси аъзолигига янги маҳаллий номзод кадрларни қабул қилиниши эвазига партия сафлари кенгайиб, Иккинчи жаҳон уруши арафасида партия аъзолари сони 72 мингдан ошди<sup>25</sup>. Бу аъзоларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этиб, уларнинг кўпчилиги мансаб пиллапояларидан

<sup>20</sup> Пасилов Б. Усмон Юсупов. – Тошкент: Ilm-ziyo-zakovat, 2019. – Б. 7.

<sup>21</sup> Ўз МА, 736-жамғарма, 1-рўйхат, 1927-йиғма жилд, 42-варақ.

<sup>22</sup> Совет Ўзбекистони. 9 май 1966 йил. №103.

<sup>23</sup> Раззаков Ф. Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека». – Москва: Эксмо, 2009. – С. 60.

<sup>24</sup> Қизил Ўзбекистон. 28 сентябр 1937 йил. №223.

<sup>25</sup> Раззаков Ф. Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека». – Москва: Эксмо, 2009. – С. 26.

шиддат билан юқорилаб, кейинчалик партия ташкилотларида масъулиятли лавозимларда ишлашга муваффақ бўлишган.

Иккинчи боб **“Иккинчи жаҳон уруши йилларида Усмон Юсуповнинг раҳбарлик фаолияти”** деб номланиб, унда Ўзбекистон ССРдаги Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, одамларнинг турмуш шароити, совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсатидан кейинги ўзгаришлар, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги меҳнат жасоратлари юртимизга эвакуация қилинган одамлар, завод ва фабрикаларни жойлаштиришда Усмон Юсуповнинг ташкилотчилик фаолияти ва бошқарув маҳоратининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган.

Усмон Юсупов республика раҳбари бўлиб ишлаган йилларда унинг ташаббуси асосида Ўзбекистонда халқ ҳашари йўли билан йирик сув иншоотлари Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори ва бошқалар қурилган<sup>26</sup>. Фарғона водийсидаги Лағон канали халқ кучи билан қурилган биринчи канал эди. 32 километр узунликдаги бу канал қурилишида Фарғона вилоятининг беш районидаги колхозчилардан 15 мингга яқин киши ишлаган. Ўзбекистон сув хўжалигининг режасига мувофиқ канал қурилишини 1939 йилда бошлаб, 1941 йилда тамомлаш мўлжалланган эди. Ҳақиқатда эса, бу канал 17 кун ичида қурилган. Канални қуриш учун бюджетдан 1 миллион 674 минг сўм сарф қилиш мўлжалланган, амалда эса, канал қурилишига 274 минг сўм сарф қилинган. 1 миллион 400 минг сўмлик иш колхозчиларнинг қўл меҳнати кучи билан бажарилган<sup>27</sup>. Канал қурилишининг муваффақиятли тугалланганлиги республиканинг барча вилоятларидаги колхозчиларни оддий қўл меҳнати билан катта ишларни амалга оширишга ишонтирди. Усмон Юсупов бошчилигидаги республика раҳбарлари фарғоналикларнинг ана шу муҳим тажрибасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Ҳозирда ўз бунёдкорининг номи билан аталадиган, Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали қурилиши қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта экиладиган майдонларни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 270 километр узунликдаги бу канал 500 минг гектардан ортиқ ерга сув чиқариш ва 60 минг гектар янги ерни ўзлаштириш имконини берди<sup>28</sup>.

Ўзбекистон халқ хўжалигини 1937-1950 йилларда Усмон Юсупов раҳбарлиги остида саноатлаштириш ишларига катта эътибор қаратилди. Янги корхоналар сони йил сайин кўпая борди. 1938 йилга келганда Ўзбекистон ССР йирик саноатининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 1913 йилдагига нисбатан қарийб 20 баравар кўпайган<sup>29</sup>.

Хотин-қизларни ўқитиш, ишлаб чиқариш, партиявий бошқарувга жалб этиш борасида Усмон Юсупов бошчилигидаги партия ташкилотлари бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, 1938 йил 20 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси “Хотин-қизлар ўртасида ишлаш”

<sup>26</sup> Ражабов Қ. Таниқли арбоб // *Muhofaza+*. – Тошкент, 2019. №2. – Б. 31.

<sup>27</sup> Ўз МА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 1523-йиғма жилд, 2-варақ.

<sup>28</sup> Ўз МА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 1523-йиғма жилд, 4-варақ.

<sup>29</sup> Юсупов У. Избранные труды. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 1982. – С. 432.

тўғрисида 24 банддан иборат қарор қабул қилади<sup>30</sup>. Ушбу қарор билан хотин-қизларнинг халқ хўжалигининг барча жабҳаларида меҳнат қилиши ва уларнинг раҳбарлик ролини ошириш масаласи таъминланди. Шунингдек қарорда қизларни турмушга чиқиш ёшини қатъий равишда 18 ёш қилиб белгилаш кўрсатилган эди<sup>31</sup>.

Йирик саноат шаҳарларининг вужудга келиши қишлоқ жойларидаги ишсиз аҳолини шаҳарларга оммавий равишда иш излаб оқиб келишига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида уй-жой билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирган. Натижада ишчи ва хизматчиларнинг аксарият қисми кўпчилик бўлиб, зич тарзда ва маиший қулайликлари йўқ бўлган шароитларда яшашга мажбур бўлганлар. Киши бошига ҳисоблаганда бир одамга мўлжалланган уй-жой майдонининг ўртача ҳажми шиддат билан қисқариб борган. Киши бошига ҳисоблаганда 19298/29 йилдаги 4,47 кв. метрдан 1939 йилда 2 кв. метрга тушиб қолган<sup>32</sup>.

Уй-жой муаммоларини олдини олиш ва қурилишни кўпайтириш мақсадида Усмон Юсупов бошчилигидаги республика раҳбарияти 1938 йилдаёқ Марказдан йилига 233 минг куб метрдан зиёд ёғоч ва тахта материалларини етказиб беришни, бунинг 193 минг куб метрдан зиёдроғи уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар қурилиши учун ишлатилиши ҳақида мурожаат қилган эди<sup>33</sup>. Лекин шундай бўлсада, бу хом ашёлар ўз вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида шаҳар жойларида уй-жойлар билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолган.

Усмон Юсуповнинг раҳбарлик фаолияти Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги қаҳрамонона меҳнат зафарлари билан уйғунлашиб кетган. Қийинчиликларга тўла сўронли йилларда Усмон Юсупов халқнинг дарди, халқ хўжалигида меҳнат қилган барча одамлар билан бирга нафас олди, ҳамма қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси 1941 йил 30 июлда “Уруш даври шароитида республикада сиёсий ташвиқот ва тарғиботни кўчайтириш тўғриси-да” қарор қабул қилди. Бу қарорда ВКП(б) Марказий Комитетининг кўрсатмалари ва директиваларини меҳнаткашлар оммасига кенг тушунтириб бериш - республика партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб таъкидлаб ўтилди<sup>34</sup>.

Ўша давр учун йирик ҳисобланган Колчуга шахридаги “Электрокабел” заводи 1941 йил 15 октябрда Эвакуация комиссиясининг №11406-сонли қарори билан Тошкент шахридаги Тўқимачилик комбинати ҳудудидаги майдонга эвакуация қилинган<sup>35</sup>. Завод уруш даврида, танклар, самолётлар, артиллерия, радиостанциялар, телефон алоқаси учун кабел маҳсулотлари етказиб берадиган ягона завод бўлганлиги сабабли, уни қисқа муддатда қайта

<sup>30</sup> Правда Востока. 29 мая, 1938 г. №121.

<sup>31</sup> Қизил Ўзбекистон. 29 май 1938 йил. №121.

<sup>32</sup> Ўз МА, 737-жамғарма, 1-рўйхат, 2216-йиғма жилд, 28-варақ.

<sup>33</sup> Ўз МА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 865-йиғма жилд, 22-варақ.

<sup>34</sup> Юсупов У. Великая Отечественная война советского народа и наши задачи. – Ташкент: Госиздат, 1941. – С. 42.

<sup>35</sup> Ўз МА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 2892-йиғма жилд, 17-варақ.

ишга тушириш лозим эди. Усмон Юсупов раҳбарлигида мавжуд имкониятлар ва меҳнаткаш халқимиз томонидан “Электрокабел” заводи беш ой ичида қайта тикланиб, ишга туширилади.

Тошкент тўқимачилик комбинати ҳудудида қайта ишга туширилган “Электрокабел” заводи 1942 йилнинг баҳорида урушдан аввалги даражага эришиб, саноат маҳсулотини 1939 йилдагига нисбатан 143 фоиз, ялпи маҳсулотни эса 197 фоиз оширади<sup>36</sup>.

Уруш даврида эвакуация қилинган аҳоли ва болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш ишлари билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Усмон Юсупов ва Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоевларнинг шахсан ўзлари шуғулланишган. Кўчириб келтирилганларни уй-жой билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш ҳам тизимли равишда йўлга қуйилган. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 1941 йил 24 ноябрдан 31 декабргача 37,6 мингдан ортиқ киши, 1941-1942 йилларда қарийб 240 минг киши жойлаштирилган ва иш билан таъминланган<sup>37</sup>.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби Усмон Юсупов ва унинг рафиқаси Юлия Степаненколар ҳам эвакуация қилинган Ленинградлик Фаина исмли кизни ўз тарбияларига олганлар. Уруш йилларида улар Фаинадан ташқари яна уч нафар гўдакни ўз оилаларига олиб тарбиялаганлар<sup>38</sup>.

Ҳаттоки қийинчиликларга тўла уруш йилларида ҳам Марказ кўрсатмасига асосан Ички ишлар Халқ комиссарлиги домий равишда Усмон Юсупов ҳақида маълумотлар тўплаб уни Москвага юбориб турган. Ушбу маълумотларга кўра, гуёки Ўзбекистонда Усмон Юсупов бошчилигида миллатчи ташкилотлар илдиз отиб кетаётганлиги иддао қилинган. Натижада, берилган маълумотларни қанчалик ишончилигини текшириш учун Тошкентга давлат хавфсизлик хизмати генералларидан бири юборилади. Аммо Усмон Юсупов сиёсий фаолиятига қарши тўпланиб Москвага юборилган маълумотлар ўз исботини топмайди. Марказда ташкилий бюро томонидан Усмон Юсупов ҳақида салбий хулоса берилмагандан сўнг, 1945 йил январда 1941 йил июлдан Ўзбекистон ССР Ички ишлар Халқ Комиссари бўлиб ишлаб келган Амаяк Захарович Кобуловни Тошкентдан Москвага чақириб олишади. Унинг ўрнига СССР Давлат Хавфсизлик Халқ комиссари В.Н.Меркулов тавсиясига асосан 1945 йил февралда Евгений Петрович Питовранов Ўзбекистон ССР Хавфсизлик министри этиб тайинланади<sup>39</sup>.

Уруш даврида қишлоқ хўжалиги анча катта муваффақиятларга эришди, сабаби аҳоли ва фронтни озиқ-овқат билан таъминлаш асосий муаммо эди. Давлат Ўзбекистон ССРдан кўп миқдорда дон, гўшт, жун, қорақўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олди. Усмон Юсупов ўз сиёсий

<sup>36</sup> Иноятов Ҳ. Ғалабага қўшилган ҳисса. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 98.

<sup>37</sup> Тошкент ВДА, 18-жамғарма, 29-рўйхат, 43-йиғма жилд, 41-варак.

<sup>38</sup> Турдиев С. Улуғ ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 15.

<sup>39</sup> Киселев А.В. Сталинский фаворит с Лубянки. – Санкт-Петербург: Нева, 2003. – С. 44.

фаолияти даврида имконият доирасида Ўзбекистон халқи манфаатларини ҳимоя қилишга интиланган. Масалан, уруш йилларида у ўзбек халқини очарчилик балосидан сақлаб қолиш учун дон экинлари майдонини (пахта далалари ҳисобидан) кенгайтирганлиги учун Ўзбекистон ССР ХКС раиси Абдужаббор Абдурахмонов билан биргаликда 1943 қишлоқ хўжалик йилининг якунларига бағишланган ВКП(б) МҚ Сиёсий бюроси йиғилишида И.В.Сталин томонидан қаттиқ хайфсан (огоҳлантириш) олган<sup>40</sup>. Урушнинг дастлабки йилларида ўзбек деҳқонлари енгиши лозим бўлган улкан қийинчиликларни ҳисобга олганда, 1942-1943 йилларда эришилган натижалар қишлоқ меҳнатқашларининг жуда катта жисмоний ва маънавий куч-ғайрати туфайли, бутун ўзбек халқининг берган қурбонлари ва маҳрумликлари эвазига қўлга киритилганлигини айтиб ўтиш жоиз бўлади. Бироқ Марказ объектив воқелик билан ҳисоблашишни истамасди. 1944 йилнинг бошларида Ўзбекистон раҳбарияти шошилини равишда Москвага, ВКП(б) МҚ Ташкилий бюроси мажлисига чақиртирилди. Мажлисда раислик қилаётган А.С.Шчербаков Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг ҳисоботини кўполлик билан бўлиб: “Ўртоқ Юсупов, мамлакат учун оғир бўлган шундай вақтда сиз армия ва халқни иштонсиз қўймоқчимисиз?” деган эди. Республикадаги ҳақиқий аҳволни англаб етишни истамаган Ташкилий бюро Усмон Юсуповни пахта экин майдонларини асоссиз қисқартирганликда айблаб, унга “қаттиқ хайфсан” эълон қилди. ВКП(б) МҚ махсус қарор қабул қилиб, унда 1944 йилнинг ўзидаёқ пахтачилик Ўзбекистонда урушдан олдинги даражага етказилиши, кейинчалик эса пахта етказиб беришни мунтазам кўпайтириб бориш вазифаси қўйилди<sup>41</sup>.

